



UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган мобил алоқа операторларининг абонентлари учун «UZB25» хизматини ишлатиш қоидалари («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия»)

I. Умумий қоидалар

- 1.1. «Smile Mobile» Хусусий Корхонасининг (ёки «ПРОВАЙДЕР») ушбу қоидалари UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган мобил алоқа операторларининг абонентлари учун, қисқа рақамлар орқали **«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия»** хизматининг кўрсатилиши тартибини белгилайди.
- 1.2. Хизмат, **UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile** брендлари остида фаолият юритадиган **ООО «UMS», ООО «Unitel», ИП ООО «Coscom», ИП ООО «RWC» ва АК «Ўзбектелеком» филиал «UzMobile»** мобил алоқа операторларининг (ёки «Операторлар») Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти ҳудудида, «15» август 2016 йилдан (00:00 – Тошкент ш. вақти бўйича) «25» сентябр 2016 йилгача (23:59 – Тошкент ш. вақти бўйича) кўрсатилади. *(банд Илова №2-га асосан ўзгартирилган)*
- 1.3. «Smile Mobile» Хусусий Корхонаси хизматнинг ташкилотчиси
- 1.4. Хизмат абонентларнинг мустақиллик давридаги Ўзбекистон Республикаси томонидан эришилган ютуқлар ҳақида маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган.
- 1.5. Провайдер томонидан кўрсатилаётган хизматга Абонентларнинг қизиқишини кўпайтириш ниятида, ушбу қоидаларда кўрсатилган тартибларга биноан, энг юқори балл йиғган фойдаланувчилар (Абонентлар), ушбу қоидаларда кўрсатилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.
- 1.6. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369 ва 703-708 моддаларига асосан тузилган бўлиб, мобил алоқа операторларининг Абонентларига қаратилган оммавий оферта ҳисобланади ва Абонентнинг розилигидан кейин, Абонент ва Провайдер орасидаги Хизмат шартномасига (битимга) айланади.
- 1.7. Ушбу қоидаларга, Провайдернинг расмий сайтида <http://smobile.uz/> электрон манзилида жойлашган УСЛОВИЯ ОКАЗАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-СПРАВОЧНЫХ И РАЗВЛЕКАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ ЧАСТНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «SMILE MOBILE», битимининг шартлари қўлланилади
- 1.8. Ушбу қоидалар Абонент томонидан фақат тўлиқ ҳужжат сифатида, бирор бир шарт ёки қисмидан кечилмаган ҳолда, қабул қилиниши мумкин

II. Хизмат кўрсатилиши тартиблари

- 2.1. Провайдер томонидан кўрсатиладиган хизматга уланиш учун Абонент 7878 сервис рақамига UZB25 (ўзбек тилида) ёки UZB25ru (рус тилида) кодини смс орқали юбориши, ёки 8008 сервис рақамига қўнғироқ қилиши керак:

- a) агар Абонент 7878 сервис рақамига UZB25 (ўзбек тилида) ёки UZB25ru (рус тилида) кодини смс орқали юборса, унда Абонент хизмат хақида маълумот олади, ушбу битимни қабул қилган ва хизматга уланган хисобланади;
- b) агар Абонент 8008 сервис рақамига қўнғироқ қилиб, овозли ёрдамчи кўрсатмаларига риоя қилиб, хизматнинг рус ёки ўзбек тилидаги тегишли бўлимларига ўтиб, унга хизмат хақида маълумот эшиттирилганидан кейин, розилигини билдирса, унда Абонент ушбу битимни қабул қилган ва хизматга уланган хисобланади.
- 2.2. Хизмат Провайдер томонидан кўрсатиладиган хизмат тизимига муружаат асосида автоматик кўрсатилади. Абонент унга хизмат бўйича келадиган маълумотларни танламайди. Маълумотлар Провайдернинг базасидан тасодифий тартиб бўйича узотилади.
Хизмат доирасида Абонентга юбориладиган маълумотлар такрорланиши мумкин.
- 2.3. Хизматга улангандан кейин Абонент 7878 қисқа рақамидан хизматна ишлатиш бўйича кўрсатмаларни, 6433 қисқа рақамидан эса хизмат доирасида биринчи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидаврида эришилган ютуқлар ва/ёки Ўзбекистон тарихидан маълумотни икки вариант жавобли тест савол шаклида олади.
- 2.4. Агар Абонент унга келган тест саволга жавоб бермоқчи бўлса, 6433 қисқа рақамига жавоб смс-да тўғри деб хисоблаган жавоб вариантнинг сонини ёки харфини юбориши керак. Жавоб смс юборилгандан кейин, Абонент автоматик равишда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидаврида эришилган ютуқлар ва/ёки Ўзбекистон тарихидан янги маълумотни икки вариант жавобли тест савол шаклида олади.
- 2.5. Абонент келган тест саволга жавоб бермаган холда, автоматик равишда, уланган кунидан ёки охириги марта 6433 қисқа рақамига жавоб смс юборган кунидан бошлаб, қайси ҳаракат охириги содир бўлганлигига қараб, уч кун давомида хар кун 1 тадан маълумот олади.
- 2.6. Жавоблар учун баллар ушбу қоидаларда кўрсатилган тартибларга биноан хисобланади.
Абонентнинг умумий ва локал рейтинглардаги ўрни ҳамда тўпланган баллари миқдори хақидаги маълумотни олиш учун 7878 қисқа рақамига INFO кодини юбориш керак.
- 2.7. Хизмат кўрсатилиши давомида, хар бир иштирокчининг берган тўғри жавоблари миқдorigа қараб, Иштирокчиларнинг умумий ва локал рейтинглари тузилади:
- Локал рейтинг – бир алоқа оператори абонентлари орасида, иштирокчиларнинг тўплаган балларига биноан тузиладиган рейтинг. Хизмат кўрсатилиши даври тугаганидан кейин Якуний локал рейтинг тузилади ва унга асосан Совриндорлар танланади.
 - Умумий рейтинг – барча алоқа операторлари абонентлари орасида, иштирокчиларнинг тўплаган балларига биноан тузиладиган рейтинг. Хизмат кўрсатилиши даври тугаганидан кейин Якуний умумий рейтинг тузилади ва унга асосан Совриндор танланади.
- 2.8. Хизмат обуна асосида амалга оширилади ва Абонент учун пуллик.

- 2.9. Хизмат доирасида топшириладиган Совринлар етказиб берилмайди, Совриндорлар уларни Провайдернинг офисида ёки Провайдер танлаган жойда олишади.
- 2.10. Хизмат натижалари, ушбу қоидаларга биноан, хизмат кўрсатилиши даври тугаганидан кейин, 5 (беш) кун ичида чиқарилади.
- 2.11. Ушбу қоидаларга биноан, Совринларнинг топширилиш маросими 30 (ўттиз) кун ичида бўлиб ўтади.
- 2.12. Хизмат кўрсатилиши даврида олиш мумкин бўлган тест савол шаклида маълумотлар сони чекланмаган.
- 2.13. Иштирокчининг юборган жавоб смс-хабари фақатгина унга юборилган охирги тест савол шаклида маълумотга тааллуқли. Хизмат билан фойдаланиш миқдори кўпайган ҳолларда, тест савол шаклида юбориладиган маълумотлар такрорланиши мумкин.
- 2.14. Абонент хизматни тўхтатиш учун «**UZB251**» кодини, ёки Провайдер томонидан кўрсатиладиган барча хизматларни тўхтатиш учун «1» кодини смс-хабар орқали 7878 қисқа рақамга юбориши мумкин.
- 2.15. Абонент хизматга, ушбу қоидаларнинг 2.1 бандида кўрсатилган тартибларга биноан, қайта обуна бўлиши мумкин.

III. Хизмат истеъмолчилари

- 3.1. Хизмат Истеъмолчиси (ёки «Абонент») бўлиш ҳуқуқига балоғат ёшига тўлган, Операторлар хизматидан фойдаланувчи, Операторлар Абонентлари ҳисобланадиган, барча жисмоний шахслар эга.
- 3.2. Масъул давлат органлари томонидан ноқобил деб ҳисобланган Абонентларга, ва ушбу қоидаларнинг 3.1 бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ бўлмаган Абонентларга хизматдан, ушбу қоидаларнинг 3.1 бандида кўрсатилган Абонентлар билан ва/ёки оила аъзолари билан фойдаланиш тавсия этилади.
- 3.3. Операторлар ва Провайдер иштирокчиларнинг ёшини текшириш учун техник имкониятларга эга эмас, шунинг учун текшира олмайди. Шу туфайли балоғат ёшига тўлмаган ва/ёки ноқобил деб ҳисобланган шахсларнинг хизматга уланиши ва бошқ хат-харакатлари учун жавобгар эмас.
- 3.4. Абонентнинг хизматга уланиши, Абонентнинг ушбу қоидаларнинг 3.1 бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги ҳақида маълумот бергани ҳисобланади.
- 3.5. Провайдер ва Оператор ишчилари ва уларнинг оила аъзолари, ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан манфаатдор ҳисобланадиган шахслар совринларга даъвогар бўла олмайди.
- 3.6. Ушбу қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлмаган ва/ёки ушбу қоидаларга риоя қилмаган барча шахслар хизматдан фойдаланмаслиги керак ва совринларга даъвогар бўла олмайди.
- 3.7. 3.6 бандда кўрсатилган ҳолат, хизмат кўрсатилишининг ҳар қайси босқичида, шу жумладан Совринлар топширилиши босқичида ҳам, аниқланса, аниқланган шахслар совринларга даъвогар бўла олмайди.

- 3.8. Иштирокчи томонидан хизматдан фойдаланиш учун сарфланган маблағлар қайтариб берилмайди (компенсация қилинмайди).

IV. Совринлар

- 4.1. Қимматбаҳо Совринлар хизмат даври тугаган пайтида, умумий рейтингда биринчи ўринни эгаллаган ва локал рейтингда биринчи ўринни эгаллаган Абонентларга, хизмат даври тугаганидан сунг топширилади (ёки «Совриндорлар»).
- 4.2. Якуний Умумий рейтинг бўйича Совриндор бўлган Абонент, Умумий Локал рейтингга киритилмайди.
- 4.3. Совринлар рўйхати ушбу қоидаларнинг 1-Иловасида кўрсатилган.
- 4.4. 1-Иловада кўрсатилган барча Совринлар Провайдер томонидан, ўз ҳисобидан сотиб олинади.
- 4.5. Совриндорнинг Оператордаги ҳисобида, Хизмат якунлари ва Совринлар тарқатилиши пайтида пул бўлиши керак.

V. Хизмат нархи ва ҳисоб-китоблар тартиби

- 5.1. 7878 қисқа рақамига барча қирувчи ва чиқувчи смс-хабарлар, ҳамда 8008 қисқа рақамига қўнғироқлар Абонент учун – бепул.
- 5.2. 6433 қисқа рақамидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида эришилган ютуқлар ва/ёки Ўзбекистон тарихидан икки вариант жавобли тест савол шаклида маълумот билан келган қирувчи смс-хабар Абонент учун – бепул. 6433 қисқа рақамига ҳар бир чиқувчи смс-хабар нархи – 0,20\$ (ноль бутун юздан йигирма АҚШ доллари) ни, барча солиқлар билан биргаликда, ташкил этади.
- 5.3. Агар Абонент 6433 ёки 7878 қисқа рақамларига смс-хабар юбориятган пайтида ва/ёки 8008 қисқа рақамига қўнғироқ қилиятган пайтида роумингда бўлса, бу ҳолатларда чиқувчи смс-хабар ва/ёки чиқувчи қўнғироқ Оператор томонидан белгиланган роуминг нархи бўйича ҳисобланади.
- 5.4. Хизмат доирасидаги ҳисоб-китоблар ўша кундаги Ўзбекистон Марказий Банки томонидан белгиланган курс бўйича олиб борилади.
- 5.5. Хизмат кўрсатилиши даврида, Оператор смс-маркази тизимларининг ҳаддан ортиқ ишлаши туфайли қирувчи ва чиқувчи смс-хабарлар 22 соатгача кечикиш эҳтимоли бор. Бундай ҳолатларда Абонент ҳеч қандай қўшимча хатти-ҳаракатларни қилмасдан тизимнинг жавобини кутиши керак.
- 5.6. Хизмат ҳақида барча саволларни, дам олиш кунларидан ва Ўзбекистон Республикасида расмий байрам деб кўрсатилган кунлардан ташқари, ҳар куни соат 09:00 дан 18:00 гача (Тошкент шаҳари вақти бўйича) телефон орқали +99898 305-13-53, ёки электрон почта орқали info@smobile.uz манзилига бериш мумкин.

VI. Абонентлар рейтинги ҳамда Совриндорларни аниқлаш

- 6.1 Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида эришилган ютуқлар ва/ёки Ўзбекистон тарихидан маълумотнинг икки вариант жавобли тест савол шаклида

келганига берилган тўғри жавоб учун Абонентга 1 балл ҳисобланади. Нотўғри жавоб учун балл ҳисобланмайди.

- 6.2 Хар бешинчи юборилган жавоб учун, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар, Абонентга қўшимча 5 балл ҳисобланади.
- 6.3 Икки ёки ундан ортиқ Абонентлар бир хил миқдордаги максимал балл йиғган ҳолатларда, Совриндор деб, хизмат кўрсатилиши даврида, биринчи бўлиб максимал балларни йиғган иштирокчилар ҳисобланади.
- 6.4 Иштирокчи йиғган баллари ҳақида маълумот, хизмат кўрсатилишинг 5-кунидан бошлаб кўрсатилади.
- 6.5 Иштирокчилар рейтинги хизмат кўрсатилиши тилидан қатъий назар умумий ҳисобланади ва хизмат кўрсатилиши учун танланган тилида фарқ қилмайди.
- 6.6 Совринларни тарқатиш учун якуний рейтинглар Провайдер ва Оператор (Операторнинг ихтиёрида) вакиллари билан тузилган комиссия томонидан тасдиқланади.
- 6.7 Танлов якунлари Провайдернинг расмий сайтида, www.smobile.uz манзили бўйича эълон қилинади.
- 6.8 Совриндорга Провайдер томонидан унинг якуний рейтингдаги ўрни, тўплаган баллари сони ва ютиб олган соврини ҳақида маълумот смс-хабар орқали юборилади.

VII. Қимматбаҳо совринларни олиш талаб ва қоидалари

- 7.1. Танлов якунлари чиқарилганидан сўнг, 5-10 иш куни ичида, Провайдер вакиллари Совриндор билан Хизматга уланилган телефон рақами орқали алоқага чиқишади.
- 7.2. Совринлар Провайдер томонидан, Оператор билан битим тузилган телефон рақами эгаси – Иштирокчига (Абонентга) топширилади.
- 7.3. Совринни олиш учун Абонент телефон рақами эгалигини тасдиқловчи ҳужжат, паспорт копияси, яшаш манзили ҳақида маълумот билан, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) ва ИНПС тақдим этиши лозим. Ушбу ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда, Соврин топширилмайди ва танлов якунлари қайта кўриб чиқилмайди.
- 7.4. Совринларнинг топширилиши пайтида Абонентга Провайдер томонидан соврин олингани ҳақида ҳужжатга имзо чекиш таклиф этилади.
- 7.5. Совринлар бўйича тўланадиган барча солиқ ва йиғимлар Провайдер томонидан тўланади.
- 7.6. Совринлар Совриндорларга Провайдер ва Оператор (Операторнинг ихтиёрида) вакиллари томонидан Тошкент шаҳрида топширилади.
- 7.7. Совриндор Совринлар топшириладиган манзилга етиб келиш ва қайтиш бўйича барча харажатларни ўз ҳисобидан тўлайди.
- 7.8. Ушбу ҳолатларда Провайдер иштирокчига совринни топширмасликга ҳақли:

- a) агар Совриндор Провайдерга ушбу қоидаларда кўрсатилган маълумот ва хужжатларни бермаса ва/ёки нотўғри маълумот кўрсатса ва/ёки сохта хужжатларни берган бўлса (Провайдер тегишли давлат органларига мурожаат қилишга ҳақли);
- b) Совриндор томонидан совринни олишдан бош тортганлиги ҳақида хат яқунлар эълон қилинганидан 15 кундан кеч қолмай Провайдерга юборилса;
- c) агар Абонент унга Совринларни топширилиши пайтида имзо қўйиш учун таклиф этилган хужжатларни рад этса;
- d) агар Абонентнинг Хизматга уланган телефон рақами, Совриндор аниқланиши пайтида, уч кун давомида Оператор олдидаги қарзи туфайли ўчирилган бўлса.

- 7.9. Совринларни талаб қилиш муддати (Провайдерга мурожаат) – хизмат даври тугаганидан сўнг, 30 (ўттиз) кундан кечикмасдан.
- 7.10. Хизмат даври давомида ушбу қоидаларда кўрсатилган талабларни қондирмайдиган ва/ёки қоидаларни бузган иштирокчилар, максимал баллар йиғган ҳолларда ҳам, Совриндор бўла олмайди.
- 7.11. Совринни олишдан бош тортган иштирокчи, совриндорлар эълон қилинган кундан бошлаб, 15 кун давомида Провайдер номига шу ҳақида хат билан чиқиши керак. Ушбу ҳолларда совринлар Совриндорга топширилмайди ва яқунлар қайта кўриб чиқилмайди.
- 7.12. Провайдер Совриндорлар ҳақида маълумотларни, ҳамда Соврин ҳақида маълумотларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикаси солиқ органларига беради.

VIII. Бошқа шартлар

- 8.1. Абонент Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқари бўлган ҳолларда, яъне роумингда бўлган пайтида, Хизматдан фойдаланишини таъминлай олмайди.
- 8.2. 7878 қисқа рақамига чиқувчи смс-хабар юбориб ёки 8008 қисқа рақамига кўнғирок қилиб, Абонент ушбу қоидалар билан тўлиқ розилигини билдиради (акцепт қилади), Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлайди ва ушбу қоидаларда кўрсатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди. Ушбу қоидалар Провайдернинг расмий сайтида www.smobile.uz манзили бўйича чоп этилганидан бошлаб, то ўзгаришлар киритилганича, ёки олиб ташлаганлигича кучга эга.
- 8.3. Ушбу қоидаларга ўзгартиришлар киритилганидан кейин Абонент 10 (ўн) кун давомида Провайдерга қоидаларни қабул қилмаганлиги тўғрисида маълумот етказмаса ва/ёки хизматдан, ўзгартирилган қоидаларга биноан, фойдаланишда давом этса, ўзгартиришлар Абонент томонидан қабул қилинган ҳисобланади.
- 8.4. Хизматдан фойдаланаётган Абонент ушбулар билан розилигини билдиради:



- a) Провайдер ва Провайдер томонидан, хизматни кўрсатиш учун жалб этилганлар Абонент томонидан берилган барча маълумотларни ўзаро кўриб чиқишлари ва ўзаро алмашилишлари мумкин;
 - b) Абонентга соврин топширилган холларда, Абонентга қўшимча тўловларсиз ва уни қўшимча огохлантормасдан, Абонентнинг исми, расмлари, интервьюлари ва бошқа маълумотларни Провайдер, бошқа шахсларни хизмат ҳақида хабардор қилиш учун ишлатиши мумкин.
- 8.5. Хизматга уланиб, Абонент Провайдер ва Провайдер томонидан хизматни кўрсатиш учун жалб этилган шахслар, Абонентнинг шахсий маълумотларини тўплаш, тақсимлаш, ишлов бериш ва Абонент билан боғланиш учун ишлатишига, шу жумладан смс-хабарлар, электрон хабарлар ва бошқа йўллар орқали, розилигини билдиради. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун Абонентдан қўшимча розилиги, ёки Абонентни хабардор қилиш керак бўлмайди. Ушбу розилик Хизмат тугаган кундан ёки Абонент хизматдан фойдаланишни тўхтатганидан сўнг 30 (ўттиз) кун кучга эга бўлади.
- 8.6. Абонент 8.5 бандда эслаб ўтилган розилигидан, Хизматдан фойдаланишни ушбу қоидаларда кўрсатилган йўл билан тўхтатган холда, бош тортса бўлади.
- 8.7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган холларда ёки Абонентнинг хизматдан фойдаланишни тўхтатганидан кейин, унинг шахсий маълумотларининг йўқолиши билан боғлиқ бўлган ҳолатларда Хизматнинг тўлиқ кўрсатилмаслигига Провайдер ва Оператор айбдор ҳисобланмайди.
- 8.8. Абонент томонидан ушбу қоидалар ва уларнинг талабларини бажо этмаслиги билан боғлиқ бўлган хавфларни, Абонент тўла ўз зиммасига олади.
- 8.9. Иштирокчи томонидан хизматдан фойдаланиш учун сарфланган маблағлар қайтариб берилмайди (компенсация қилинмайди).
- 8.10. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида эришилган ютуқлар ва/ёки Ўзбекистон тарихидан икки вариант жавобли тест савол шаклидаги маълумотлар Каталоги махфий маълумот ҳисобланади ва Иштирокчига талабига биноан берилмайди.

IX. Даъволар ва уларнинг давомийлиги

Истеъмомолчи ҳуқуқларининг бузилмаслиги ниятида, хизмат ва хизмат ичидаги танлов Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган реклама ва истеъмомолчи ҳуқуқларини химоя қилиш ҳақидаги барча қонун қоидаларига асосан кўрсатилади.

Хизмат ва хизмат ичидаги танловга билдирилган барча даъволар info@smobile.uz электрон манзилига ёки: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Ташкент ш., Мустақиллик к-си, 6/28. телефон: +998-98-305-1353 манзилига юборилиши керак.

Даъвонинг рўйхатга олинган куни деб унинг қабул қилинган куни ҳисобланади. Абонент ўз даъвосини батафсил ва аниқ тушунтирган бўлиши керак. Даъво хатида Абонентнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уланиш учун телефон рақами ва Хизматдан фойдаланилган телефон рақами, хизмат даврида юборилган смс-хабар, унинг



юборилган вақти ва санъаси, Абонент билан боғланиш учун электрон ёки почта манзиллари бўлиши керак.

Абонентнинг хизмат давомида берилган савол ва унга олинган жавоби билан норозилиги ҳолатларида, Абонент ёзма равишда ўз даъвосини, берилган саволни ва тизим жавобини, унинг фикрича тўғри жавобни ва ушбу жавобни тасдиқлайдиган расмий манбани кўрсатган ҳолда, билдиради.


Абонент томонидан берилган жавоб исботланган ҳолатларда, шу саволга худди шундай тизим жавобини олган барча абонентларга баллари қайта ҳисобланади.

Барча даъволар рўйхатга олинганидан кейин 15 кун ичида кўриб чиқилади.

Провайдер даъволарни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу қоидаларга асосланиб кўриб чиқади.

Провайдер Абонентнинг совринларни олишга имконияти бўлмаган ҳоллари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Ушбу қоидалар икки тилда (рус ва узбек) тузилган бўлиб, тушунмовчиликлар келиб чиққан ҳолатларда рус тилидаги нусхасига қаралади.



UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile
брендлари остида фаолият юритадиган
мобил алоқа операторларининг
абонентлари учун «UZB25» хизматини
ишлатиш қоидаларига

Локал рейтингда совриндорлар тақдирландиган совринлар рўйхати:

Место в рейтинге	Наименование
1 ўрин	LED Smart TV 40” Artel
2 ўрин	Планшетный компьютер Artel
3 ўрин	Смартфон General Mobile

Умумий рейтингда совриндорлар тақдирландиган совринлар рўйхати:

Место в рейтинге	Наименование
1 ўрин	Автомобиль Chevrolet Spark

UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile
брендлари остида фаолият юритадиган
мобил алоқа операторларининг
абонентлари учун «UZB25» хизматини
ишлатиш қоидаларига

**UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган
мобил алоқа операторларининг абонентлари учун
«UZB25» («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига
бағишланган энциклопедия») хизматини ишлатиш қоидаларига қўшимча ва
ўзгартиришлар киритилганлиги хақида**

Абонентлар томонидан «UZB25» («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия») хизматига бўлган қизиқишни, ҳамда эълон қилинган мотам кунларида хизмат кўрсатилишида булган танаффусни эътиборга олиб;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 368, 369, 382-385 моддаларига асосан, «Smile Mobile» ХК UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган мобил алоқа операторларининг абонентлари учун «UZB25» («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия») хизматига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришларни киритади:

1. Қоидаларнинг 1.2 банди қуйидагича ўқилади:
«1.2. Хизмат, UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган ООО «UMS», ООО «Unitel», ИП ООО «Coscom», ИП ООО «RWC» ва АК «Ўзбектелеком» филиал «UzMobile» мобил алоқа операторларининг (ёки «Операторлар») Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти ҳудудида, «15» август 2016 йилдан (00:00 – Тошкент ш. вақти бўйича) «25» сентябр 2016 йилгача (23:59 – Тошкент ш. вақти бўйича) кўрсатилади.
2. Ушбу Илова Провайдернинг расмий сайтида www.smobile.uz манзили бўйича чоп этилганидан бошлаб кучга эга.
3. Ушбу Иловада кўрсатилмаган «UZB25» («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия») хизматини ишлатиш қоидаларинг бандлари ўзгаришсиз қолади.
4. Ушбу Илова «UZB25» («Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган энциклопедия») хизматини ишлатиш қоидаларинг ажралмас қисми бўлиб, Абонент томонидан фақат тўлиқ ҳужжат сифатида, бирор бир шарт ёки қисмидан кечилмаган ҳолда, қабул қилиниши мумкин.

*UMS, Beeline, Ucell, Perfectum va UzMobile брендлари остида фаолият юритадиган
мобил алоқа операторларининг абонентлари учун «UZB25» хизматини ишлатиш
қоидалари*